

**PSTN-G0002/369 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Наманган ш.

2022 йил “05” 01

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30-декабрдаги 27-01-14-6033 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг АК “Ўзбектелеком” Наманган филиали директори Б.Нурматов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Наманган Хизмат курсатиш ва сервис техникуми Устав (Низом, рўйхатга олингандаги түгрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Б.Туйчиев (кейинги ўринларда – Абонент) иккичи томондан (кейинги ўринларда биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түгрисида абонент шартномасини тузиша расмий оммавий тақлифи бўлган Оммавий оферта (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши түгрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегиши молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўсиз кабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация раками беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан холда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз ҳукуқ ва мажбуриятларига катый риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (*Postpaid*) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк куни мобайнida амалга оширилади.

3.3.1. Ил бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир ўз)** фоиз микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишили иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишили иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳаҷми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (KKСни хисобга олган холда) (248400) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма () сўм микдоридаги Абонент тўловини хамда () микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч)** банк куни ичидан ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблағларини ўқказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарили маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширилмагига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар тартибида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойида тақдим этилладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үн)** иш куни мобайнida Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган леб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг Кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентта хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужожатларида хамда Офертада назарда туттилган тартибида ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиши холатлари бундан мустасно).

5. Низоларни хал килиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси таъсилари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ хамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган холда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар

Ўзбекистон Республикаси конун хужожатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисолий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равиша Ўзбек Республикасининг коррупцияга карши курашишни тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар кандай чорб юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган хар кандай холатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzonma/шикоят/тақлиф кўриннишидаги мурожаати кўпич билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (ўн беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хакда мажбурий равиша хабардор килинади.

7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал киласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва **20.12** йил 31 декабрга кадар амал киласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (**Бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбик этилмайди**) ўз шартларини бажаришни давом этилса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейнинг йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва **20** йил 31 декабрга кадар амал киласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини қабул килганлиги хакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўзгариши ва бошقا ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучидан колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10** (ўн) календарь кун ичидаги бир-бирларини хабардор килишларни шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, хакикий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АҚ Наманган филиали	АБОНЕНТ: Наманган Хизмат курсатиш ва сервис техникуми
Манзил: Наманган шаҳар Истиклол кучи 57-й Банк маълумотлари: х/р: _2021 0000 0040 7483 8363; СТИР: 203366731; МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тел: _____; E-mail: b2b@uztelecom.uz;	Манзил: Чартоқ кўча 75⁹-йи т. 69 224-53-57 Банк маълумотлари: х/р: 400110860144012092902079001 СТИР: 202032848. МФО 00014 Банк номи: Чартоқий банк Тел: 090 229 19 E-mail: 2340200030010000100 Доп.нумер: 201122919 Абонент номидан: Б Туйчиев
Оператор номидан:  Б.Нурматов	

Исп.: Иргашев О
Тел: (369) 227-00-71

Исп.  и. Ноҳидов

2022 йил “___”
 PSTN-G0002/369 –сонли абонент шартномасига
 1–илюва

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги Миллий валюта - йиғиндиси

№	Хизматлар рўйхати	ҚҚС билан нарх (киймат)	асослаш	миқдор	миқдори, ҚҚС билан,
					сум
1	2	3	4	5	6
1.1	Абонент тўлови (чеклов 180 дақика) 12 сўмдан ошиб кетган 1 дақика нархи Лс 4164991	6 900	125-1/7-сонли нархномага асосан	2	13 800
1.2	Параллел равишда абонент тўлови	3 450	125-1/7-сонли нархномага асосан	2	6 900
Жами (олдиндан тўлов)					20 700

Жами олдиндан тўлов миқдори 20 700,00 (йигирма минг етти юз) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Хар ойлик тулов 20 700,00 сум

Шартноманинг умумий миқдори 248400 () сўмни ташкил этади. Ундан () сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда () сўм бир маротабалик FTTx технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

ОПЕРАТОР:
 “Ўзбектелеком” АҚ
 Наманган филиали

Оператор номидан:
 Директор Б.Нурматов



АБОНЕНТ:
 Наманган Хизмат курсатиш ва сервис техникуми

Директор

Абонент номидан:

Б Туйчиев

